

Фармон ва ижро

БОЖЖОНА АУДИТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ объектив зарурат, ҳаётини эҳтиёт

Унга кўра, Давлат божжона кўмитаси зиммасига товарлар экспортидан кейин ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси ишони баҳолаш ҳамда уларнинг махсуслотлар ва транспорт воситалари чиқариб юборилгандан кейинги ҳисобини текширишни назарда тутуви божжона аудитини амалга ошириш вазифаси юқлатилди. Кўмида таркибда Контрабандага қарши курашиш ва божжона аудити бош бошқармаси ташкил этилди.

Бугунги кунда божжона назоратининг янги шакли — божжона аудити жорий этилиши нечоғли аҳамиятга эга? Унинг фаолияти қандай самара келтиради? Зиммадаги янги вазифани муваффақиятли бажариш учун кадрлар қандай касбий билим ва малакага эга бўлиши зарур?

Давлат божжона кўмитаси Божжона институти доценти, иқтисодий фанлари доктори Шерзод АЗИЗОВ билан суҳбатимизда шу каби саволларга жавоб олишга ҳаракат қилдик.

— Энг аввало, масала моҳияти янада тушунарли бўлиши учун божжона аудити қандай фаолият, унинг негизда қандай мақсадлар ётади, деган саволга оидинлик кiritиб олесак.

— Божжона аудити деганда, товарлар чиқариб юборилганидан кейин божжона тўловларидан кам ёки ортқча тўланган суммани аниқлаш мақсадида қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва баргараф этишга қаратилган фаолият назарда тутилди. Янги (ёппасига) божжона назоратдан ўтказишга асосланган текширишлардан буткул воз кечган ҳолда, хавфни бошқариш тизими орқали танланган ташқи савдо субъектларини текширишдан ўтказиш механизми товарлар чиқаришга рухсат берилгандан сўнг амалга ошириладиган давлат молиявий назоратининг бир тури ҳисобланади.

Ушбу аудит АҚШ, Канада, Япония, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар, Фарбий Европа мамлакатлари божжона тизими амалиётида жорий этилган.

Юртимизга экспорт ва импорт қилинаётган товар ҳамда транспорт воситаларига нисбатан божжона назорати ва расмийлаштируви жараёнини янада соддалаштириш, унга сарфланаётган вақт ва маблағни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Бу йўналиш Жаҳон банкнинг "Бизнесни юрти" рейтингини давлатларнинг ташқи савдосига оид самарадорлигини аниқловчи энг асосий индикаторлардан бири ҳам саналади. Мазкур кўрсаткич бўйича мамлакатимизнинг халқаро рейтингини кўтаришда эса Ўзбекистонда товарлар чиқариб юборилганидан кейин божжона аудитини жорий этиш муҳим ўрин тутди.

— Президентимиз фармони билан божжона органлари бир қатор янги ҳуқуқлар берилди. Ташқи этилган Контрабандага қарши курашиш ва божжона аудити бош бошқармаси зиммасига қандай қўшимча ваколатлар юқлатилди?

— Таҳлилларга кўра, божжона аудити, биринчи навбатда, ташқи савдо субъектлари импорт-экспорт фаолиятига оид ҳисоботларнинг божжона декларацияларидаги маълумотларга номувофиқ келиши ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва баргараф этишга қаратилган профилактик чора



Ҳамини йўлдошларимиз билан фахрланамиз, дунёга машхур алломаларимиздан мисоллар келтирамиз.

сифатида намойён бўлади. Иккинчидан, у божжона назорати ва расмийлаштируви билан боғлиқ тартиб-қоидалар бўйича ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шартларини халқаро стандарт (конвенция, битим, меморандум)лардаги талабларга уйғунлаштириш вазифасига айланади. Хусусан, Киото халқаро конвенциясининг 6.4, 6.6-стандартлари ратификация қилиниши ва амалиётга киритилишини таъминлайди. Учинчидан, у ҳалол ташқи савдо субъектлари (ваколатли иқтисодий операторлар)га нисбатан янада соддалаштирилган божжона тартибларини самарали қўллаш имконини беради. Тўртинчидан, у ноҳалол ташқи савдо субъектларини божжона қонунчилигини ҳурмат қилишга ўргатади ва аксинча, ҳалол фаолият юритаётганларни янада рағбатлантириш мақсадида қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш мезонларига аниқлик киритишга кўмаклашади. Бешинчидан, давлат бюджетини даромадлар қисмини божжона органлари орқали янада оширишга хизмат қилувчи қўшимча янги восита яратилади.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, божжона аудити импорт товарларнинг расмийлаштируви кўлиб, оморда туриб қолишига йўл бермайди. Уларнинг мамлакат ҳудудида сотиш нархи шаклланишида божжона оморига тушириш, сақлаш ва қайта юқлаш каби харажатлар қўшилишининг олди олинади.

Буларнинг ҳаммаси пировардида ташқи иқтисодий фаолият ва божжона расмийлаштирувининг том маънодаги очкичилиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фармонда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли бажарилишини таъминлаш бир қатор тартиб-тамоийилларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо этади. Хусусан, божжона аудитига оид норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш, соҳада қисқа муддатли касбий тайёргарлик ва малака ошириш курсларини сифатли ташкил этиш, ҳозирги иқтисодий вазият ва ўзига хос ҳусусиятлардан келиб чиқиб, божжона аудитини амалга оширишнинг миллий механизми, усул ва шакллари яратиш лозим бўлади.

— Юртимиз ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг дунё мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари жўғрофий жиҳатдан кенгайиб, сони ортиб борапти. Уларнинг халқаро тадбиркорлик, ҳуқуқий соҳалардаги билим ва кўникмалари, амалий тажрибасининг ошарганлиги ҳақида ҳам ижобий фикрларни билдириш

Ташаббус

ЮРТ ОБОДЛИГИГА ҲИССА ҚЎШИМОҚ — ШАРАФЛИ ИШ

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, Маҳалла ва сирани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилиши, тузилма зиммасига маҳаллаларда ишни тўғри ташкил этиш, камбағалликни қисқартириш, томорқадан самарали фойдаланиш, ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жамият тараққиётига дахлдор вазифаларнинг қўйилиши катта ишонч ва масъулиятдир.

Жорий йил июнь-август ойларида "Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшама" широри остида хонадонлар ва кўчаларда амалга оширилаётган харажатлар режаси ишлаб чиқиши фаолият мезонимизни янада кенгайтирди, айтиш жоизки, барчамизга куч-ғайрат бағишлади.

Ушбу режага кўра, маҳаллаларда кўчабошилар ва кўп қаватли уйлар бошлиқлари, маҳалла раиси маслаҳатчилари, комиссиялар ва жамоатчилик тузилмалари, маҳалла фаоллари ҳамда аҳоли вакиллари билан мунтазам равишда "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" мезонларига бағишланган амалий семинарлар ўтказилади.

Мамлакатимизнинг ҳоржий мамлакатлар билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани, туризм ривожланиши сабаб юртимизга келаётган чет эллик меҳмонлар оқими ортмоқда. Ҳоржий сайёҳлар халқимиз турмуш тарзи билан яқиндан танишиш мақсадида маданиятимиз, хонадонларимизда ўз тутумимиз, шахсий ҳўжжалигимиз аҳоли билан ҳам қизиқиши табиий. Демак, буларнинг барини замон талабига мослаш, туризм, таъмирлаш, сақлаш қоидаларига риоя қилиш зарурлигини аҳолига етказишни зарур. Маҳаллаларда хонадонлар, кўчаларни обод ҳамда кўркам қилиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар, масалан, уйлари оқлаш, даракхалтарни парварилаш, томорқаларни ривожлантириш каби ободончилик ишлари юзасидан мувожаатлар қилиб, аҳоли ўртасида тушунтуриш ва тарғибот ишларини ҳозирдан оқ амалга ошириш, келгусида бу ўзимизнинг хонадон тушиш одоби борасидаги турмуш тарзимизга, доимий фаолият мезонимизга айланди.

Шунингдек, эҳтиётимиз ва камбағал оилаларни аниқлаш, уларга хонадонларини таъмирлаш, томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича ҳашар йўли билан яқиндан кўмак бериш масалаларида жойларда алоқадор харажатлар бошланган.

Нуронийларимиз саломатлигини асраш мақсадида иктимой фаолликни ошириш, улар иштирокида қўнлик пиёда юриш, ёшлар ўртасида маърифий тадбирлар ўтказишни ташкил этиш, "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" кўча-танловларини биргаликда ўтказиш, ташаббускор фуқаролар йиғинлари ҳодимлари ва фаоллари, кўчабошилар, кўп қаватли уйлар бошлиқларини рағбатлантириш, ўйлайманки, барчамизга кўтаринки руҳ бағишлайди.

"Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшама" широри остида ўтказилаётган мазкур тадбир режасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун жорий йилнинг 10 июнидан тарғибот ишлари бошлаб юборилди. Республикаимизнинг барча оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, иктимой тармоқларда чиқишлар, мувожаатлар қилинмоқда.

Олти йўналиш, қирқ тўрт банддан иборат ушбу харажатлар режасининг ижросини таъминлаш доирасида карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, маҳаллалардаги ҳар бир кўчани ободонлаштириш, хонадон ва томорқа маданиятини ривожлантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилади ва амалий чоралар қўрилади. Дейлик, кўп қаватли уйлар аҳолиси учун алоҳида тарғибот тадбирлари ўтказиш кўзда тутилган. Тадбирлар доирасида "Жонажон юртим ободлигига ўз ҳиссамни қўшама" широрининг мазмун-моҳияти, нуроний жамоатчилик кенгашларининг аҳолига мувожаати, "Обод хонадон" ва "Обод кўча" мезонлари амалда қандай бўлиши, хонадон эгалари, кўчабошилар, кўп қаватли уйлар бошлиқларининг вазифалари яна бир бор таҳлил этилиб, ҳамжиҳатликда белгиланган мақсадларга эришиш учун бор имкониятлар ишга солинади.

Бу саъй-харажатлардан қўнликдан натижалар, табиийки, ҳаммамизни қизиқтиради. Бу, аввало, аҳоли ўртасида бирдамликни, қолаверса, маҳаллалар, кўп қаватли уйларда юзга келган муаммоларни ҳамжиҳатликда баргараф этиш, жамоатчиликни янгилашга ишлага қарашларга даъват этиши билан аҳамиятлидир. Шу аснода фаолиятимиз ўз-ўзидан жамоатчилик назоратига ҳам айланиб боради.

Мазкур хайрли ва савобли ишларга туман ва шаҳарларда ташкил этилган нуронийлар жамоатчилик кенгашлари аҳолига ҳам фаол жалб этилади, албатта.

Шунингдек, кам таъминланган ва камбағал оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини касб-ҳунарга ўргатиш, иш билан таъминлаш, даромад манбани шакллантириш орқали уларнинг камбағалликдан чиқариш чоралари ҳам амалга оширилади.

Иктимой фаол кекса авлод вакиллари кенг жалб этган ҳолда, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, маънавиятини юксалтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар ўтказиб борилади.

"Саломатлик учун беш минг қадам" широри остида ҳар кун кечки пайт маҳаллаларда ташаббускор нуронийларнинг пиёда юриш тадбирлари ташкил этилмоқда. Шубҳасиз, харажатлар режасида белгиланган чора-тадбирлар карантин қоидаларига қатъий риоя этилиб, иктимой масофани сақлаган ҳолда амалга ошириляпти.

Ўтган давр мобайнида маҳалла институти ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, ҳар бир маҳаллада "Обод ва хавфсиз маҳалла" таъмоийлига асосланган янги тизимни жорий этиш борасида муайян даражада ишлар амалга оширилди. Олдимизда эса маҳалла ва оилалдаги муаммоларини ҳал этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқаролар йиғинларига зарур шaroит яратишга қаратилган "Обод ва хавфсиз маҳалла" тизимини самарали жорий этиш каби долзарб масалалар турibdи.

Маҳаллаларда чиқиндиларни олиб чиқиш масаласи ҳалигача катта муамма саналади. Бу ҳақда ОАВда жуда кўп танқидий, таҳлилий мақолалар чоп этилди. Соҳани ўрганиш ва натижалар асосида туман (шаҳар) ҳоржимлиги ҳамда "Тоза ҳудуд" ДУКга тегишли

таклиф ва тавсиялар киритиш назарда тутилган.

Бугун барчамиз "Обод маҳалла" таъмоийлини ривожлантиришимиз, халқимиз маданиятига синдиришимиз керак. Бунинг учун оммага маийий маданият нимадигани, намунавий хонадон нимадигани, керак бўлса, ўчоқ бошидан то инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган бошқа барча иншоотларга қандай фойдаланиш талабларини тушунтуришимиз лозим. Ҳар бир маҳаллада намунавий хонадон ва кўчалар кўп бўлишига эришишимиз керак.

Вазирлик ҳодимлари айни кунларда қишлоққа қишлоқ юриб, "Обод маҳалла" таъмоийлини халқимиз онгига синдириш бўйича амалий ишларни олиб боришмоқда. Уч ойлик харажат натижаларини бўйича ҳар бир маҳалла раиси ўз ҳудудидаги ишлар юзасидан фотоальбом ва тақдими тайёрлаб, таърибасини оммалаштиради, тарғибот ишларида фаол қатнашади.

Бу жараёнда, биринчидан, уйма-уй юриб, маҳаллабай ёрдамга муҳтож оилаларни "ўзини ўзи банд қилиш" эвазига камбағалликдан чиқариш, "Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури" доирасида ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар ва ёшлар каби аҳолининг иктимой ҳимояга муҳтож қатламларини ўқитиш тизими шакллантирилади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳудудий бўлимининг бошлиқлари томонидан ҳар чоракда аниқланган ва ҳал этилмаган муаммолар турғисидаги маълумотларни, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш бўйича тақлифларни халқ депутатлари кенгашлари мувожама қилиш учун киритиб бориш амалиётини йўлга қўйиш ниятидамиз.

Шу кунларда дунёга ёйилган корона-вирус пандемияси туғайли олам аҳли бошдан кечираётган жиддий синовли кунлар мамлакатимиз фуқароларини ҳам четлаб ўтмади. Халқимиз кетма-кет содир бўлган табиий офатлар қаршисида ҳам ўзининг сабот ва матонатини намойён этиб, юрдошларимиз бир-бирига қамраб элиб, юзга келган асоратларни биргаликда баргараф этмоқда.

Биз миришкор халқ фарзандларимиз. Ҳоржий мамлакатларнинг ҳаммасида ҳам ерга эгалик ҳуқуқи берилмаган. Фуқароларнинг ўз ховлиси, томорқаси йўқ. Шундай мули бор оилалар бой, мулкдор ҳисобланади. Ҳамма гап шу мулкдан қандай фойдаланишда.

Одатда биз ўтмишдошларимиз билан фахрланамиз, дунёга машхур алломаларимиздан мисоллар келтирамиз. Бугунги авлоднинг келгусида ана шу аждодларимиз каби пухта билим олиши, яратиш ва бунёдкорлик ишқи билан яшашига аслида биз камарбаста бўлишимиз керак.

Бугун юртимизда қудратли, умуммиллий ҳаракат бошландики, бунинг руҳан, маъна, фикран янгилашиш даври, деб атайилди. Халқимиз бошга тушган қўнликман ташвишлар қўнликларимизни уйғотгани, бир-биримизга меҳр-муруват қўрсатиб, ота-боболаримиздан қолган қадриятларимиздан угли олиб, янада жиқлашган ҳолда Ватанимиз тинчлиги, ободлиги учун чоғланганимиз рост бўлсин, бу саъй-харажатларимиз бароридан келсин!

Назира МАМБЕТШАРИПОВА, журналист
Соҳиба МУЛЛАЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Жараён

ҚАНДОЛАТЧИЛИК БИЗНЕСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ёхуд "ARDENT FOODS" фаолиятига бир назар

Бошланиши 1-бетда

Айтишларича, Бельгияда шоколад ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлар сони 17 мингдан ошиб кетган. Бу рақам дунё бозорига ширинлик бизнеси нақадар тараққий этиб бораётганидан далолат.

"ARDENT FOODS" юқори технология ишлаб чиқаришга асосланган, табиий махсуслотлар тайёрловчи корхона бўлиб, Европанинг замонавий усуналари билан жиқланган. Корхонада 1 соатда 30 минг, бир кунда 720 минг, бир ойда 16 миллион, бир йилда эса 192 миллион дон шоколад ишлаб чиқарилади.

Шоколад пасталари, қиймлли печенье-лар, бисквитли оладийлар, музқаймоқ, бутерброд ёғлари, макарон, "Hot lunch" каби 15 га яқин турдаги махсуслот маҳаллий бозоримизда 90 фоизгача импорт ўрнини босмоқда. Мазкур брендининг 8 хил махсуслоти юртимиз бозорларида етакчи. Бошда 15 киши билан иш бошлаган кичик

цех бугун рақобатбардош махсуслот ишлаб чиқарадиган йирик тармоққа айланган. Буларнинг тағ замирида тадбиркорларга яратиб берилаётган шароитлар ҳамда куну тун қилинаётган меҳнат ётибди.

— Қандолатчилик бизнеси охириги уч йилда шиддат билан ривожланди, — дейди корхона тасъисчиси Нурилло Рўзимухаммедов. — Конвертациянинг очилиши, илгор технологияларни мамлакатимиз ҳудудида олиб киришдаги қийинчиликларнинг қамалиши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кенг йўл очди. Шу аснода рақобат майдони юзга келди. Бунинг натижасида импорт ўрнини босувчи махсуслотлар микдори ортди. Энди олдимиздаги вазифа экспорт салоҳиятини оширишдир. Айни пайтда махсуслотларини АҚШнинг бир неча шаҳарлари ҳамда МДХ мамлакатлари расталарини безаб тургани биз учун қувонарли ҳолдир. Утган йили 1 миллион 200 минг доллар қийматдаги махсуслот экспорт қилинди. Президентимиз ташрифи жамоамизни жуда руҳлантирди. Келажак учун катта-катта мақсадлар қўйишга ундади.

ЯНГИ БРЕНД ТАҚДИМОТИ

Тадбиркорликда қоидалар кўп. Улардан энг асосийси янгиликларга интилиш ва бозорда ўз номи, брендига эга бўлишдир. Ана шунда тадбиркор шу брендини сақлаб қилиш учун ҳам тинмай ҳаракат қилади. Биз ҳикоя қилаётган корхона технологиялари ҳам янги "Strobar" брендини ишлаб чиқийди. Президентимиз айнан янги линиянинг ишга туширилиши чоғида уларнинг ҳурсандчилигига шерик бўлди. Германиядан келтирилган технология линияларда тайёрланаётган махсуслот тарихий фақат табиий тоза ингредентлардан иборат бўлиб, Европа стандартларига тўлиқ мос келади. Яна бир жиҳати, ушбу миллий бренд худди шундай тоғмадаги ҳоржий махсуслотларни тақорламайди.

— Хомашёдан тортиб тайёр махсуслот сифатига лаборатория ҳодимлари томонидан мунтазам текшириб борилади, — дейди муҳандис Дилшод Содиков. — Махсуслот тайёр ҳолга келгунча 12 босқимдан ўтади. Бунда автоматлаштирилган технологиялар

дан фойдаланамиз. Айтилик, бир усқуна ҳамирнинг намлигини ўлчаसा, бошқаси сифатига жавоб беради. Ҳозир миллий бозорларимизда уч қаватли батонлар савдоси чаққон. Корхонамизда энг сўнгги инновацион технологиялар асосида уни беш қаватли шаклда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришдик. Бу миллий бозор учун янги махсуслот ҳисобланади.

РЕЖА — ЭКСПОРТ ҲАҚМИНИ ОШИРИШ

Бугунги хариддорнинг билим ва фикрлаши бундан ун йил олдингидан таъмоий фарқ қилади, уни алдаб бўлмайди. Ҳозир одамлар махсуслотнинг чиройли ўрамини билан бир қаторда сифати, ҳеч қандай ГМОларсиз, ортиқча ёғлар қўшилмаганига ҳам катта эътибор қаратади. Демак, галдаги режаларнинг асосида махсуслотнинг сифати туриши керак.


— Президентимизга компаниямизнинг истиқболи ҳақида сўзлаб, 2025 йилгача яна ана шундай 2 та йирик ишлаб чиқариш мажмуасини ишга тушириш режасини маълум қилдик, — дейди Нурилло Рўзимухаммедов. — Шунингдек, 2030 йилгача жаҳон



бозорларига мустаҳкам ўрнашиб, миллий йирик корпорация даражасига кўтарилгани мақсад қилиб қўйганмиз. Жорий йилда махсуслотларимиз АҚШ, Грузия, Арманистон, Мўғулистон каби 12 та давлатга экспорт қилинади. 2021 йилда Озарбайжон, Хитой, Эстония, БАА навбатда турибди. Шу билан кейинги йилда экспорт ҳажми 2,5 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

... Бир неча йил олдин мазкур корхона ўрни фойдаланилмаётган, қаровисиз ёрлар эди. Эътибор ва рағбат ўлароқ, бугун 150 нафардан ортиқ ҳамюртимизни иш билан

Имконият



ОТА-БОЛА ТАДБИРКОРЛАР

юзлаб кишиларга паррандачиликни ўргатмоқда

Усмонали НОРМАТОВ

Искандар Рашидов ёш бўлишига қарамай, нафақат ўзининг, оиласининг, балки кўпнинг ташвиши билан яшайди. У беш йилдан бери "Агро имкон бройлер" хусусий корхонасини юритиб, паррандачилик билан машғул. Ёш тадбиркор Самарқанддаги "Навобод насл парранда" ҳамда Гулистондаги "Насл парранда" корхоналаридан бир кунлик жўжа ва витаминларга бойитилган тонна-тонна омихта ем харид қилиб, жониворларни 40-45 кун парваришлайди.

Искандар ёшлигида ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилган эди. Тошкент давлат юридик университетига кириб, биринчи курсни тамомлагандан сўнг негизда ўқигиси келмай қолди. Отаси ҳам ўқини хоҳламаган ўғилни кўп қистовга олмади. Ота-бола тадбиркорлик қилишга жазм этдилар. Бир пайтлар олинган ва қурилган кўчмас мулкларини сотиб, маблағига ҳар бирида 6-7 минг бош жўжани қишин-ёзин боқишга мўлжалланган замонавий иморатлар қуришди. Бу товуқхоналарда жўжалар 40-45 кун сифатли омихта ем бериб боқилади, вази 2,5-3 килограмга етгач, сўйилиб, сотувга чиқарилади. Айни пайтда ота-бола тадбиркорларнинг товуқхоналарида 18 минг бош жўжа зооветеринария талаблари ва белгиланган рацион асосида парваришланяпти. Оила аъзолари Гулноза, Саидгул, Саидафзал Искандар билан бирга кечаю кундуз жўжалар атрофида парвона.

Бозорда қорамол ва қўй гўштининг нархи 50-60 минг сўм. Ҳамма оиланинг ҳам қўй ва мол гўшти харид қилишга имкони етмайди. Парҳез жўжа гўштининг килограмми анчадан бери бир хил баҳода — 20 минг сўмдан сотялмиз, — дейди тадбиркор. — Сароисий ва Узун туманлари маркази ҳамда Шарғун шаҳарчасида дўконларимиз бор. Уларнинг ҳар бирида кунига ўртача 150 килограмдан парҳез парранда гўшти сотилади. Дўконларимиздаги совутичларда гўшт санитария қоидалари асосида сақланади. Сотувчиларга сотган гўштига қараб ҳақ берилди. Масалан, бир дўконда сотувчи кунига 120 килограмм гўшт сотса, 120 минг сўм олади, савдоси кўп бўлса, иш ҳақи ортади. Агар сотувчиларга ойлик маош белгиланса, масъулиятни сезмайди. Дўконларимизда доимо гўшт бўлишини микроблар биллиб қолган. Уч дўконда бир ойда 4,5-5 тонна гўшт сотилапти. Узун туманида бир тадбиркор курган совутичли омборхонани ижарага олганимиз ва кунлик сўйилган жўжалар гўшти шу ерда сақланади ҳамда махсус машинада дўконларга етказилади.



Парранда боқишни зиммасига олган қишлоқ ахли 10-13 кунлик жўжаларни нари борса, бир ой парваришлай, вази 2,5-3 килограммга етгач, кластерга хабар бериб, семирган жўжаларни тарозидан ўтказиб, гўштга топширади.

Тадбиркор Рашидовлар аҳолининг парранда гўштига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ҳамда фаолиятни кенгайтириш мақсадида йил бошида корхонани "Сариосий бройлер парранда кластер" хусусий корхонасига ўзгартирди. Гўшт етиштириш ҳажмини ошириш учун кам таъминланган оилаларда жўжа боқишни ташкиллаштирди. Ҳозир Узун, Сароисий, Денов, Олтинсой, Шўрчи туманларидаги товуқ боқишга ҳавасманд аҳоли билан шартнома тузилиб, жўжа тарқатилмоқда. Биргина Сароисий туманидаги 48 оилада, ҳар бир оилада ўртача 200 бошдан — жами 11 мингтадан кўп жўжа боқилмоқда. Тадбиркорлар жўжаларни ўн кунгача ҳовлисидаги товуқхоналарда парваришлайди, вакциналар билан эмлайди, тетиклашгач, парранда сақлашга талабдор оилалар шариотини ўрганиб, уларга топширади. Улар жўжа берилган оилаларни витаминга бойитилган омихта ем билан ҳам таъминлайди. Тадбиркорнинг отаси, ветеринар врач Саидафзал Рашидов жўжа олган оилаларга бориб, жониворларни парваришлай ширларини ўргатади, ишларини назорат қилади, қайси пайт, қанча микдорда омихта ем ва сув бериш зарурлигини уқтиради, паррандаларнинг касаллигига қарши курашиш учун дори-дармон билан таъминлайди.

Парранда боқишни зиммасига олган қишлоқ ахли 10-13 кунлик жўжаларни нари борса, бир ой парваришлай, вази 2,5-3 килограмга етгач, кластерга хабар бериб, тарозидан ўтказиб, гўштга топширади. Жўжаларни бир ой боққани учун оилаларга омихта ем баҳоси чегирилиб, ўртача бир миллион савкис юз минг сўм тўланади. Мисол учун, Сароисий туманидаги Себзор маҳалласида яшовчи Юсуф Ҳақимов оиласи "Сариосий бройлер парранда кластер" билан анчадан бери ҳамкорлик қилиб келаётгани учун уларнинг ишончига кирган. Ҳақимовлар оиласида жўжа парвариши учун ҳамма шариот муҳайё. Шунинг учун тадбиркорлар бу оила аъзоларига ишониб, минг бош жўжа, бир тонна витаминли омихта ем берган. Оила аъзолари жўжаларни бир ой боққани эвазига уч миллион сўм даромадга эга бўлади. Ҳуфар маҳалласида яшовчи Асад Эшаҳмедов кластер тадбиркорлари билан ярим йилдан буён ҳамкор. Унга 500 бош жўжа ва ярим тонна омихта ем берилган. Жўжалар бир ой ичюда уч килограмм тош босадиган даражада семиргач, тадбиркорга топширади ва эвазига бир миллион етти юз минг сўмга эга бўлади. Кластер тадбиркорлари товуқхоналарида ва 48 та аҳоли хонадонидида боқилаётган 30 минг бош жўжани сўйиб, гўштини аҳолига сотмоқда. Бу билан улар ҳам ўзлари даромад кўрмоқда, ҳам бир неча кишини ишли қилиб, тадбиркорликка ўргатмоқда, ҳам аҳолини парҳез парранда гўшти билан таъминлапти.

Жўжа боқиб, даромади ортиб бораётган "Сариосий бройлер парранда кластер" хусусий корхонаси тадбиркорлари гўшт етиштириш ҳажмини кўпайтириш учун таваккалчиликдан қўчималяпти. Яқинда "Ўзсанотқурилишбанк" Шарғун филиалидан ажратилган бир миллиард 600 миллион сўм кредит эвазига тумандаги "Бўйрапўш" маҳалласи ҳудудида бўш турган бинони сотиб олишди. Бу ерда жўжа парваришлайш учун 4 та замонавий товуқхона ва 50 тонна парранда гўшти сақланадиган совутичли омборхона қурилмоқда. Шунингдек, ойига 50 минг дона жўжа очирадиган инкубация жойлаштирилади. Бундан ташқари, ветеринария дорихонаси, "Сарижўй" маҳалласи ҳудудида қушхона қурилади.

Ота-бола тадбиркор Саидафзал ва Искандар Рашидовлар келажакда жўжалар сонини кўпайтириб, парранда гўштининг бир қисмини қўшни Тожикистонга экспорт қилиш чораларини ҳам изляяпти. Искандарнинг режалари эса янада катта. Ҳозирча қўлбола қушхонада сўйлаётган жўжалар қичқинди балиқчилик инновациялар билан шугулланаётган хўжалиқларга текин берилаяпти. Йил охиригача корхона тасарруфида замонавий қушхона ишга туширилгач, сунъий қўл барпо этилиб, инновацион усулда африка лаққа балиқлари етиштирилади.

Янги тизим


"SMS PENSIYA" ХИЗМАТИ



ундан 2,5 миллионга яқин пенсия ва нафақа олувчи фойдаланмоқда

Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил этишда ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқда.



Айни мақсадда пенсия ва нафақа олувчи 3,7 миллиондан ортиқ шахс тўғрисидаги маълумотлар ягона база-сини ўз ичига олган "Пенсия" дастурий мажмуаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйилгани соҳада инсон омили камайитрилиб, фуқароларнинг орқали вақт сарфи ҳамда овозрагарчилигининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, Халқ банкига пенсия ва нафақа тўлови ведомостларини юбориш ҳамда тўланган (тўланмаган) пенсия ва нафақалар тўғрисида маълумот олиш фақат электрон шаклда амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида тўлов қайдонларини сохталаштиришнинг олди олиниб, пенсия ва нафақа тўловлари устидан кунлик назорат юритилмоқда.

Барча тижорат банклари билан банк пластик карталари орқали пенсия ва нафақа олувчилар маблағларини уларнинг ҳисоб рақамларига юклай фақат электрон ахборот алмашинуви орқали амалга оширилмоқда, — дейди Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи Камолддин Ҳожибеков. — Натижада юғоз шаклидаги ҳужжатлардан тўлиқ воз кечирилиб, пенсия ва нафақалар банк карталарига ойнинг 2-5-санасида тўлиқ юкланмоқда. Шунингдек, "SMS pensiya" хизмати орқали фуқароларга уларнинг пенсия миқдорлари, тўланганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини

фармонида асосан оширилган пенсиялар тўғрисида бепул SMS хабарлар олиш имконияти яратилди. Бугунги кунда 2,4 миллион нафар пенсия ва нафақа олувчи ушбу хизматга обуна бўлган.

Аҳолига янада қўлайлик яратиш мақсадида 2020 йил якунига қадар дафн ва суюнчи пулини олиш учун Пенсия жамғармаси ёки иш жойига мурожаат қилмасдан, тузилганлик ёки вафот этганлик ҳолатини ФХДЕ бўлимида рўйхатдан ўтказиш жараёнида бир йўла ариза бериш тизими жорий қилинади. Натижада ҳар йили ўртача 800-900 минг нафар фуқаронинг Пенсия жамғармасига ёки иш жойига мурожаат қилиши билан боғлиқ овозрагарчиликларнинг олди олинади. Фуқаролар пенсия ва нафақаларини банк пластик карталарга ўтказиш учун аризаларни Пенсия жамғармасига келмасдан тижорат банки филиалида банк пластик карталарини очиб жараёнида бир йўла мурожаат қилиши мумкин. Бу эса ҳар ойда 50-60 минг нафар пенсионернинг Пенсия жамғармасига келиб-кетиб ҳаражатлари ва вақт сарфини бартараф этади.

Банк пластик карталарини очиб ҳамда пенсия ва нафақаларни банк картасига ёки нақд пулга ўтказиш бўлими тижорат банклари билан ҳамкорликда мобил илова ишлаб чиқилмоқда. Бунинг натижасида пенсионерлар уйдан чиқмаган ҳолда, тўловларини бошқариш, яъни нақд пулга ёки нақдсиз шаклга ўтказиш

имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, пенсияларни тайинлашда фуқаролардан 2005 йилдан кейинги давр учун иш стаж ва иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотларни ягона миллий меҳнат тизими, Жамғариб бориладиган пенсия тизими, иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг электрон реестри маълумотларига асосан электрон шаклда олиш тизими жорий қилинади. Бу тизим яратилиши билан бир йилда ўртача 230 мингдан ортиқ фуқаронинг 2005 йилдан кейинги иш фаолияти ёки иш ҳақи тўғрисидаги архив маълумотларини қидириш ва йиғиш билан боғлиқ овозрагарчиликларнинг олди олинади.

Соҳада яратилган қўлайликлардан яна бири шуки, ногиронлик белгилангани, ногиронлик гуруҳи ёки мудатларни ўзгаргани бўйича фуқаролардан ТМЗК маълумотномасини талаб этиш тизими бекор қилинди. Бунда ногиронлик гуруҳи ёки мудатни ўзгарганда уларнинг пенсиялари автоматик равишда қайта ҳисобланади. Ногиронлиги бор фуқаролар фақат ТМЗҚдан қайта қуриқдан ўтишлари кифоя ҳамда уларнинг маълумотлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг электрон шаклда олиниб, тўловлари давом эттирилади ёки қайта ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, тизимда яратилган бундай қўлайликлар, ахборот технологияларидан кенг фойдаланилаётгани нафақат аҳоли, балки соҳа ходимларининг ҳам меҳнатини энгиллатмоқда.


Имтиёз

ТАЪЛИМ ГРАНТИ

ёшларга нималар бермоқда?

Гулчирий ИСОКОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Баркамол, мустақил фикрлайдиган, ўзининг ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқолига эга, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар билан ишлаш, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг асосий вазифасидир.



Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 ноябрдаги "Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларида қиришда имтиёзлар бериш тўғрисида"ги қарори фаол ёшлар учун ҳақиқий маънода имконият ва рағбат бўлиб келмоқда. Маржона Самадова Ёшлар иттифоқининг фаолларидан бири. Самарқанддаги 45-умумтаълим мактаби битирувчиси Маржона бу йил имтиёзли равишда, яъни имтиҳонсиз, грант асосида олий таълим муассасасида ўқиш имкониятини қўлга киритди.

Авалл "Камалак" болалар ташкилотига аъзо эдим, болалигимдан жамоат ишларига қизиқганим туфайли тендошларим орасида турли тадбирлар, анжуманларнинг иштирокчиси, ташкилотчиси бўлдим, — дейди у. — Фанларни ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Рус ва инглиз тилларида бемалол сўзлаша олам. Ёшлар иттифоқи ҳаётимнинг бир бўлагига айланган. Ташкилот сабабли кўплаб ютуқларга эришдим, дўстлар орттирдим.

Танловнинг маҳаллий босқичларида 5 492 нафар номзоднинг аризалари туман (шаҳар) комиссиялари томонидан қабул қилинди. Уларнинг 815 нафари Ёшлар иттифоқининг сардорлари, 1 908 нафари иттифонинг бошланғич ташкилотларидаги йўналиш етакчилари ҳамда 2 769 нафари иттифоқ тизимида икки йиллик

меҳнат стажига эга бўлган фидойи ёшлардир. Ҳозирда, танловнинг худудий босқичларида 600 нафардан ортиқ ёш иштирок этди.

Республика комиссияси ҳудудий комиссиялар тақдим этган 42 нафар номзоднинг Ёшлар иттифоқи тизимида эришган ютуқлари, унинг ривожига қўшган ҳиссаси, етакчилик қобилиятига эътибор қаратиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 1 нафардан, жами 14 нафар энг муносиб ёш танлаб олинди.

Уларнинг 3 нафари сардор, 3 нафари бошланғич ташкилотлар етакчиси ва 8 нафари иттифоқ тизимида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ёшлардир.

Яна бир имтиёз эгаси сардарлик ёш ижодкор Ерқинжон Ҳайитбоевнинг бугун қувончи чексиз. — 7 йил "Камалак" болалар ташкилотига сардор бўлдим, — дейди у. — Утган йили мен сардорлик қилган жамоа "Энг намунали сардорлар кенгаши" танловининг республика босқичида биринчи ўринни қўлга киритди. Жорий йилда эса сардорлар ўртасида ўтказилган "Йил сардори" танловининг республика босқичида голиб бўлдим. Имтиёзга эришим сабабчилари ота-онам ва устозим,

вилоят "Камалак" болалар ташкилоти раиси Нарғиза опа Холбоевдан миннатдорам. Имтиёз асосида Ўзбекистон давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида таълим олиб, мазкур соҳага ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Шунингдек, талаба ёшлар таълим олишида муҳим саналган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи таълим гранти энг йирик лойиҳаларидан бири саналади. Лойиҳа ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш, иккимоий фаоллигини ошириш, жамиятда ўз ўрнини топишда қўмаклашиш мақсадида ташкил этилган ва ҳозирга қадар юзлаб йигит-қизлар ҳаётида муҳим роль ўйнади.

Хусусан, лойиҳа доирасида 2018 йилда 226 нафар, 2019 йилда 186 нафар, 2020 йилда 120 нафар чин етим, ногирон, ота-онаси (хар иккиси) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, Меҳрибонлик уйда тарбияланган ҳамда боқувчисини йўқотган талабаларнинг олий ўқув юртидаги тўлов-шартнома маблағларининг 50 фоизигача бўлган қисми тўлаб берилди.

Бу, ўз навбатида, фаол ёшларнинг янги марраларни забт этишига ва ўзларининг ортидан кўплаб тендошларини етаклашига туртки бўлмоқда.

Рағбат

Асрор Жўраев,
Кишлоқ хўжалиги вазирлиги Ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва метеорология бош бошқармаси бошлиғи

Коронавирус пандемияси шароитида қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ресурс ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, озиқ-овқат экинларини икки баробар кўпайтириш, соҳада янги иш ўринларини яратиш ва манфаатдорликни ошириш борасида замонавий ёндашувларни жорий этишни даврнинг ўзи тақозо этипти.



Ханим Йўлдошев оғани суғарилади.

ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР

300 мингга яқин оилага даромад манбаи

Жорий йил 3 июнь куни Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ғалладан бўшайдиган 120 минг гектар майдонни такрорий экин учун ажратиш, 300 мингга яқин оилага даромад манбаи яратиш белгилади. Қолаверса, биринчи ярим йилликда 38 минг гектар ерни оборотга киритиш ҳисобига 25 минг, йил якунига қадар қўшимча 51 минг гектарни ўзлаштириш эвазига 45 минг киши бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Бу ерларнинг 20 минг гектари кам таъминланган оилаларга берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 17 апрелдаги йиғилишида 2020 йилнинг апрель-май ойларида ирригация тадбирлари асосида ерларни фойдаланишга киритиш бўйича биринчи навбатда амалга оширилмайдиган устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхати тасдиқланиб, унга кўра, фойдаланишдан чиққан суғориладиган жами 38,4 минг гектар ерни қайта фойдаланишга киритиш учун 158,4 миллиард сўм бюджет маблағлари ажратилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 1 майдаги "Коронавирус пандемияси

даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, кишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари тақлифлари асосида республика ҳудудларида фойдаланишдан чиққан ва ер ости сувлари захираси мавжуд бўлган жами 51 минг гектар ерни фойдаланишга киритиш бўйича лойиҳаларнинг рўйхати шакллантирилди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Мазкур қарорда туман ҳокимлиги фойдаланишга киритилган ер майдонларини деҳқончилик соҳасида билим ва кўникмага эга бўлган, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга 1 гектарга деҳқон хўжалигини юритиш учун, истисно тариқасида, 10 йилгача мuddатга ижарага беради ёки тажриба-синов тариқасида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига барча харажатларни олдиндан тўлаш шarti билан 5 гектаргача бўлган ер майдонларини 10 йилгача мuddатга ижара ҳуқуқини электрон аукцион асосида сотади.

Ушбу ер майдонларини ажратиш бўйича ташаббускор ва туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ижара шартномасига асосан, ҳоким қарори қабул қилинади, бунда ер майдонларида сув тежовчи технологияларни қўллаш ва устувор равишда сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва мойли экинларни экиш, боғ ва тоқзорлар барпо этиш назарда тутилади. Ер майдонларини ижарага бериш ҳамда ижара ҳуқуқини сотишдан тушадиган маблағлар туман ҳокимлигининг сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича махсус ҳисоб рақамидан жамғариб борилади ҳамда янги ер майдонларини фойдаланишга киритиш мақсадларида ишлатилади.

Ҳокимликлар фойдаланишга киритилмайдиган ер майдонларининг яхлитлиги, бир маҳсулот турига ихтисослаштириш, мева-сабзавотчилик кластерлари ва кооперациялари орқали деҳқон хўжаликларига уруғлик ва кўчатлар етказиш, илгор агротехнологияларни ўргатиш, етиштирилган маҳсулотларни реализация қилишга қўмақлаштириш, шунингдек, минерал ўғитлар ва ёқилги-мойлаш маҳсулотларини етарли ҳажмда ва ҳамёнбоп нархларда харид қилишлари учун зарур инфратузилмани яратиш бериши лозим.



Жорий йилда қайта фойдаланишга киритилмайдиган ерларда ҳудудларнинг тупроқ, иқлим шароитлари ва сув билан таъминланганлик даражаси, ички ва ташқи бозорда маҳсулотга бўлган талаб ҳамда даромадидан келиб чиққан ҳолда экинлар экиш, бозорлар, узумзорлар барпо этиш назарда тутилган. Хусусан, республика бўйича жами 1 077 минг гектар суғориладиган ерларда ғалла парваришланиб, ўрим-йиғим ишлари олиб бориляпти. Жорий йил сув таъминотидан келиб чиқиб, жами 733 минг гектар майдонда такрорий экинлар, жумладан, 104 минг гектар сабзавот, 35 минг гектар картошка, 31 минг гектар полиз, 15 минг гектар кунгабоқар, 260 минг гектар дуккакли дон, 53 минг гектар шопи, 24 минг гектар ёрэнгоқ, қариб 200 минг гектар озуқабоп ва 55 минг гектарда бошқа экинларни экиш режалаштирилган.

Инновация

ЕРНИ КЎП СУҒОРИШ БИЛАН ҲОСИЛНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЛМАЙДИ

Санобар ЖУМАНОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Дунёда муқобили бўлмаган ягона ресурс, бемисл неъмат бор. У сувдир. Мамлакатимизда сув сарфининг 88 фоизи кишлоқ хўжалиги улушига, унинг ҳам асосий қисми суғорма деҳқончилик ҳиссасига тўғри келади. Шу боис, сувни тежайдиган технологиялар, масалан, томчилатиб, ёмғирлатиб, эгатта плёнка тўшаб, эгилувчан қувурлар ёрдамида суғоришни кенг жорий этиш муҳим масала.

мавжуд бўлмаган ҳолатда эгат ташлаб (оралатиб), қисқа эгатлар орқали, ўзгарувчан оқим билан дискрет (тўхтаб-тўхтаб) суғориш усуллари ҳам фойдаланиш мумкин, — дейди соҳа мутахассиси Эркин Фармонов. — Сувни аввал битта далага, кейин бошқасига навбатма-навбат узатиш натижасида каналдаги сув сарфи 10–20, дала ўқарикларида эса 30–35 фоизгача камаяди. Усулларнинг баъзилари қадимдан деҳқончиликда кенг қўллаб ке-



ли ўлароқ, томчилатиб суғоришда экиннинг илдизи ривожланадиган тупроқ қатламида ўсимлик учун мақбул бўлган сув-физик муҳит яратилади. Ўсимлик ўз қувватини тўлалигича ўсиб-ривожланиш ва ҳосилни кўпайтиришга йўналтиради.

Томчилатиб суғоришда режимнинг ўзига ҳосилги, буғланишнинг паслиги, обихаётнинг беҳуда кетмаслиги туфайли катта миқдорда сув тежалади. Энг муҳими, томчилатиб суғоришда сув ўсимликка шланг воситасида етказилгани учун дала тупроғи қотмайди, қатор ораларига ишлов беришга эҳтиёж туғилмайди. Тупроғи қотмаган майдон эса мавсум охирида сифатли ва осон ҳайдалади. Ўғит сув билан бирга берилгани боис, ўғитлар учун техника ишлатишга зарурат қолмайди. Натижада меҳнат ва ёқилги-мойлаш материаллари тежалади. Далада сувчиларнинг қўл меҳнати кескин камаяди.

Эҳтимол, кўпчилик бу ҳақда билмас: анъанавий суғориш усулларида суғоришдан олдин сувсизлик, суғорилгандан кейин ортиқча намгарчилик сабабли ўсимликлар "стресс ҳолати"га тушади ва бу ҳолатдан чиқиб унинг энергия сарфлайди. Бу ҳолатда барҳам беришнинг орқали ҳосилдорлик боғ ва тоқзорларда 40, пахта ва сабзавот пайкаларида 60 фоизгача ортади. Сув ресурслари чекланган шароитда кам сув сарфлаб, барқарор юқори ҳосил олиш мумкин.

— Замонавий технологиялар

Қулайлик



"ШАРҚ" ВА "НАСАФ" ПОЕЗДЛАРИ ҚАТНОВНИ БОШЛАДИ

Рустам ХАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг ахборот-таҳлилий медиа маркази мутахассиси

"O'zbektemiryo'l'ovchi" акциядорлик жамияти томонидан карантин даврида "яшил" ва "сарик" ҳудудларда санитария-гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда маҳаллий йўналишларда темир йўл қатновларини босқичма-босқич йўлга қўйиш ташкил этилмоқда.

16 июнь куни "Тошкент" марказий темир йўл вокзалидан Тошкент — Қарши — Тошкент йўналишидаги "Насаф" ҳамда Тошкент — Бухоро — Тошкент йўналишидаги "Шарқ" йўловчи поездларининг ҳаракатланиши йўлга қўйилди.

Дастлаб жорий йилнинг 18 май кунидан бошлаб Тошкент шаҳридан Навоий, Бухоро ҳамда Қарши шаҳарларига юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" поездлари ҳамда Фарғона водийсига тезорар йўловчи поездлар қатнови (бориш ва қайтиш) қайта тикланган эди. 15 июнь кунидан эса "Тошкент" жанубий темир йўл вокзалидан Тошкент — Термиз — Тошкент, Тошкент — Хива — Тошкент ҳамда Тошкент — Нукус — Тошкент йўналишида ҳам қатновлар тикланди.

Ушбу поездлар карантинга "Тошкент" жанубий темир йўл вокзалидан ҳаракатланиши амалга оширилиб, йўловчиларни ўз манзилига етказиб қўйган бўлса, эндиликда карантин мuddати тугагунга қадар улар "Тошкент" марказий темир йўл вокзалидан қатнайди. Чунки "Тошкент" жанубий темир

йўл вокзалидан ҳаракатланадиган поездлар сони "Тошкент" марказий темир йўл вокзалидан қараганда бир мунча кўпроқ бўлиб, пандемия даврида карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш мақсадида ана шундай қарорга келинди.

Ҳаракат жадвалига кўра, Тошкент — Қарши — Тошкент йўналишидаги "Насаф" поездлари ҳар кун эрталаб соат 08:52 да "Тошкент" марказий темир йўл вокзалидан ҳар кун эрталаб соат 09:15 да "Тошкент" марказий темир йўл вокзалидан ҳамда куннинг иккинчи ярмида, яъни соат 16:10 да "Бухоро" темир йўл вокзалидан ҳаракатини амалга оширади. Ушбу поездлар пойтахтга қайтганида

ҳам "Тошкент" марказий темир йўл вокзалига келади. Йўловчилар учун яна бир қулайлик шуки, улар чипталарни ортиқча овозгарчиликсиз, кассаларга келмасдан, нақд пул ишлатмасдан, электрон тарзда харид қилишлари ҳам мумкин.

Поездлар йўлга чиқибдан олдин депода ҳамда манзилга етиб борган, йўловчилар вагонлардан тўлиқ тушиб кетгандан сўнг дезинфекция ишлари амалга оширилади. Вокзаллар маъмурияти томонидан йўловчиларнинг вокзалга ҳамда поезд вагонларига кирибганида карантин ва санитария ҳамда эпидемиология қоидаларига қатъий амал қилишлари жиддий эътибор қаратилмоқда. Дезинфекция қурилмалари ва тепловизор ёрдамида ҳар бир йўловчининг тана ҳарорати ўлчиноб, бир маргалик тиббий ниқоб ҳамда қўлқоплар берилляпти.

Бандлик

Мусо МУРОДОВ

Бугунги кунда, чекка ҳудудларда қўллаб аёлларнинг ишсизлигидан қийнаётгани бор гап. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 майдаги "Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси доирасида кишлоқ жойларда, маҳаллаларда ва республикамизнинг олис ҳудудларида ишга муҳтож аҳоли, айниқса, аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш шароитлари ва даромадларини оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ушбу ҳужжат асосида Қашқадарё вилоятида 2019-2021 йилларда республика ҳудудларида энгил конструкцияли курилиш материалларидан куриладиган ёки бўш турган бино ва иншоотлар негизда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 26 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Унга кўра, вилоятдаги ҳар битта туманда сэндвич па-

Чекка қишлоқдаги замонавий корхона

нелли 2 тадан тикувчилик фабрикаси ишга туширилади. Ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги иш бошлади.

Яққабог туманидаги Маданият қишлоғида фойдаланишга топширилган "Madaniyat textile" маъсуляти чекланган жамияти ана шулардан бири. Бу ерда айни пайтда 100 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилади. Ўтган йилнинг ноябрь ойида фаолияти йўлга қўйилган корхона ишни сифатли бўз матосидан экопакетлар ишлаб чиқаришдан бошлади. Хориждан келтирилган 83 донга замонавий тикув машинаси кунига 8 минг донгача маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди.

Коронавирус тарқалиши оқибатида корхона ишлаб чиқариш фаолиятига ҳам ўзгартишлар киритилди. Жамоа талаб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда, гигиеник воситалар тайёрлашга ўтди. Айни пайтда кунига 10 минг донга тиббий ниқоб ва 1,5

минг донгача ҳимоя комбинзони ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилляпти.

— Талаба таяниб ишлаган тадбиркор сира кам бўлмайди, — дейди корхона раҳбари Рустам Очқолов. — Айни кезде ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янада кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз. Шу мақсадда кунига 250-300 донгача эркаклар спорт кийими тика бошладик. Хориждан уларга ёзувлар ва тасвирлар туширадиган махсус ускуна келтирдик. Ҳозирча маҳсулотларимиз ички бозор учун тайёрланмоқда. Келгусида уларни экспортга йўналтириш ниятимиз бор. Асосий мақсад — маҳсулот турини кўпайтириш орқали экспорт ҳажминини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш.

Қишлоқларда бу каби ихчам корхоналар кўпайиши хотин-қизлар бандлигини таъминлаш баробарида иқтисодийимиз барқарорлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Мозий — ҳақиқат тарозуси

Қадимги даврларда шаҳарнинг катта дарвозалари олдида турли йиғинлар, шаҳарга келган нуфузли меҳмонларни кутиб олиш маросимлари ўтказилган. Шунингдек, шаҳар дарвозалари стратегик аҳамиятга эга бўлган. Асрлар давомида мазкур дарвозаларнинг кўриниши такомиллашиб, айниқса, арк билан қурилиши уларга ўзгача салобат берган.

ТОШКЕНТНИНГ 32 МИНОРАЛИ ДАРВОЗАЛАРИ

қадим Шош тарихининг беағидир



Жаннат ИСМОИЛОВА, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори

Ўрта асрларда бир оз мураккаб техникага эга кутарма дарвозалар қурила бошлаган. Уларнинг беағиди мамлакатнинг аънаёлари, диний қадриятлари ва тарихий саналари билан боғлиқ бўлган.

Тошкент қулай географик ҳудудда, яъни Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ йўли чорраҳасида жойлашгани туфайли бу ерга савдо қарвонлари тинимсиз келиб турган. Бу эса шаҳарни етти иқлим билан таштирган.

Қадимий ва кўҳна Тошкент тарихида шаҳар дарвозалари ҳақидаги маълумотларни кўлаб учратиш мумкин. Манбаларда айтилишича, IX-X асрларда шаҳар марказидаги бозор ҳудудида қалъа қурилиб, унинг атрофи мудофаа деворлари билан ўралган. Вақт ўтиши билан шаҳар кенгайиб, иккинчи мудофаа девори, ташқи душманлардан муҳофаза қилиш учун эса кейинчалик шаҳарнинг учинчи мудофаа девори қурилган, дарвозалар ўрнатилган. Тошкент табиий равишда марказда жойлашган бозор атрофидан ҳар томонга қараб кенгайиб борган. Шаҳар ўсгани сари деворлар сурилиб, катта йўللарга туташган жойларда янги дарвозалар қурилиши ҳисобига уларнинг сони ҳам ортаверган. Шунингдек, айрим дарвозалар номи ўзгариб турган.

Шаҳар дарвозаларининг сони турли даврларда турлича бўлган. Масалан, XVIII асрда 8 та дарвоза бўлган бўлса, XIX асрда келиб 12 тага етган. Бу даврда Тошкентни асосий 8 та йўл кесиб ўтган бўлиб, улар асосий савдо йўллари ҳисобланган.

Шарқ ва Ғарб чорраҳаси ҳисобланган Тошкент ташқи душманлардан ўзини муҳофаза қилишга ҳаракат қилган. 1735 йилда Тошкентдан бўлган ташқи деворнинг "Шаҳар тўрт томондан гиштли девор билан ўралган бўлиб, 32 та минорали дарвозалари бўлган. Деворнинг устида 2 та отлик бемалол юра олган", деб маълумот беради.

Тошкент девори ҳақидаги манбаларда

"XVIII асрнинг охирида шаҳар мудофаа деворининг баландлиги салкам 8 метр, тела қисмининг кенлиги 2 метргача бўлган. Девор айланасининг узунлиги 18,2 км, шаҳарнинг умумий майдони эса 26,4 кв. км ни ташкил этган", деган маълумотлар мавжуд.

Шаҳар девори яроқсиз ҳолга келиб, қайта қурилиш талаб қилгани боис, XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлиги даврида хон ноиб Бекларбеги томонидан Тошкент мудофаа деворлари ва дарвозалари таъмирланди. Бу вақтда девор баландлиги 10 метрдан ошиб, юқори қисмида душманга ўқ отиш учун кўллаб шинаклар очилган эди. Шаҳар мудофаа деворининг 12 та дарвозаси (Тахтапул,

озаки нутқда "камолон" талаффузида етиб келган. Тарихдан маълумки, Тошкентда ясалган ўқ-ёйлар Шарқда "Камони Шоший" номи билан машҳур бўлган ва Шарқ адиблари асарларида таърифланган.

12 дарвозанинг ҳаммаси катта йўл устида қурилган бўлиб, барчаси мустаҳкам, қаттиқ ёғоч — тоғ арчасидан ясалган ва уст томонига нақшкор беақлар берилган. Ҳар бир дарвозанинг жуфт ҳалқалари, қалитлари бўлган. Қалитлар дарвозабонлар кўлида сақланган. Дарвозабонлар дарвозаларни тонга очиб, қуёш ботганда беркитанлар. Ёпилганидан сўнг уларни очишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаган. Фақатгина шаҳар ҳокимининг ўта зарур фармойиши билангина дарвозаларни очишга рух-

Ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳри аксарият маълумотларда яшил шаҳар сифатида таърифланади. У ташқаридан кириб келаётган одамга боғларга бурканган гўзал шаҳар сифатида намойён бўлган.

XIX асрда Тошкентга келган татар савдогари Шубай Арспонов Тошкент ҳақидаги маълумотларни келтириб, шаҳарнинг ўша даврдаги ташқи ва ички манзарасини куйидагича тасвирлайди: "Тошкент шаҳри қалин пахса девор ва зовурлар билан ўраб олинган. Шаҳар катталиги жиҳатидан Қозон шаҳрига тенг келади. Унинг ўн икки дарвозаси бор. Шаҳарда боғ ва масжидлар кўп. Катта масжидларда кўпчилик бўлиб намоз ўқиганлар. Дарвозалар олдида алоҳида миришаблар турди. Уларда тўп йўқ, узоққа отадиган милтиқлар бор. Бундай милтиқлар Тошкентда ясалади. Шаҳарни ўн икки қиёдан ташкил толган кенгаш бошқарган. Ҳуқумат қароргоҳи Қўқна дарвозаси ёнида қалъада иш юрताди. Тошкентдан Туркистонгача бўлган йўлни юк қарвони олти кунда босиб ўтган. Иргиз дарёсидан Уфাগача уч кун, Бухорогача ўн кун, Балхга йиғирма кун, Бадахшонгача ўн беш кун юрилган".

Узоқ йўлдан чарчаб келган қарвон шаҳар дарвозаси олдида тўхтаб, юқларини туширган ва шаҳарга кириш учун ҳужжатлаштириш ишларини олиб борган. Заכותчи божхона солигини маҳсулот ҳажмидан келиб чиққан ҳолда олган. Барча дарвозаларнинг ташқарига чиқиб ҳудуддаги қабристонлар бўлиб, уларнинг аксарияти ҳозирги кунгача сақланиб қолган.


Шаҳар қабристонларининг дарвоза ташқарисидан жойлашгани шаҳарнинг чегарасини аниқлаб беришга хизмат қилган. Жумладан, ҳозирги кунда шаҳарнинг марказий қисмига тўғри келиб қолган Шайхонтоҳур зиёратгоҳи (қабристони) ўрта асрларда шаҳарнинг шарқий дарвозасидан ташқарига жойлашган.

Даврлар ўтиши билан дарвозалар рамзий тарзда шаҳарлар ҳудуди марказларида сақланиб қолди. Афсуски, Тошкент шаҳри дарвозаларидан бирортаси ҳам бизга қадар етиб келмади. Лекин уларнинг рамзий кўринишлари тикланиб, шаҳар тарихига уйғунлаштирилган ҳолда туристик объекта айлантирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Вақолатли идоралар билан келишилган ҳолда электрэнергетика соҳасидаги 24 та ташкилот ҳамда 16 та тadbirkorлик субъектида текширув ўтказилиб, уларда аниқланган жами 835 та қондабузарлик ҳолати бўйича ёзма кўрсатмалар берилди.

Инспекция энергетика соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш масаласига ҳам устувор вазифалардан бири сифатида қараб келяпти. Бу борада, айниқса, электр энергияси билан ишлайдиган инсонларнинг хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Сўнгги икки йилда тизимда олиб борилган ишловлар натижасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритиш, қайтадан ишлаб чиқиш ва ўз қу-

Ўзини ўзи банд қилиш



Бугунги кунда фрилансинг кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Сабаби, ўзи учун қулай шакл ва шартларда ишлаш кўпчиликлка маъқул бўлиши табиий.

Фрилансинг – ижтимоий тармоқ орқали ташқи дунёга йўл

Шоҳиста ТУРҒУНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Аҳолини тadbirkorлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида Президентимизнинг жорий йил 8 июндаги "Тadbirkorлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-таdbirkorлиги тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу эса соҳадаги ишларнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга.

Мазкур қарорга қўра, Солиқ кодексига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари тарихига киритилмаслиги белгиланди. 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати кенгайтирилди.

Жумладан, 2020 йил 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг рўйхатга олинган хабар бериш тартибиде ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганлики тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобил илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинади.


Ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида, ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш микродорини камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича буюджетдан ташқари Пенсия жағғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда яққа тартибдаги тadbirkorлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларнинг жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолади.

Яратилаётган бу имкониятларнинг барчаси, албатта, халқимиз турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.



Кўҳна Тошкентнинг даҳа ва дарвозалари



Шаҳар деворининг узунлиги 18,2 км

Лабзак, Қашқар, Қўқон, Қўймас, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Қорасарой) ва иккита қоғқаси (яъни 1 нафар отлик кириб чиқадиган эшиги) бўлган.

Лабзак, Қашқар, Қўқон, Қўймас каби дарвозалар Шарқ томондан кейинчалик шаҳарга қўшиб олинган қисмига қурилган, айримларининг ўрни сурилиб, номлари ҳам ўзгарган. Қоронги тушиши билан дарвозалар ёпилган ва эрталаб тонг саҳарда очилгунга қадар ҳеч ким шаҳарга киритилмаган ва чиқарилмаган. Дарвозахоналар устида махсус қоровулхоналар ва дўмбиралар сақланадиган хоналар бўлиб, хавф-халот сезилганда дўмбиралар чапиниб, халойиқ оғохлантирилган.

Ҳар бир дарвозанинг номи унинг ҳудуди, маҳаллий аҳолисининг касби-кори, қайси томонга йўналганлиги каби омиллар асосида номланган.

Масалан, Камолон Бешёғоч даҳасининг қадимий дарвозаларидан. У Бешёғоч ва Самарқанд дарвозалари ораллиғида, Камолон маҳалласи ҳудудида ва маҳалла масъулигида бўлган. Номи шундан. Муҳаммад Солиҳнинг "Тошкентнинг янги тарихи" асарида Камолон маҳалла сифатида тилга олинган. Дарвоза номи эса Камондарон кўринишида ёзилган. Шунингдек, камондаронларнинг Бузуқ қабиласидан бир тоифага мансублиги кўрсатиб ўтилган. Табиийки, маҳаллада яшаган бу тоифанинг асосий касб-кори камон ва камон ўқи ясаш бўлган. Камондарон (камонгорон), яъни камонсозлар кейинчалик

Ўн икки дарвоза ортида ҳаёт қизгин даров этган. Маълумотларга қўра, шаҳарда боғдорчилик яхши ривожланиб, ёнғоқ, олманок, шафтоли, узум етиштирилган. Шафтолининг шундай бир машҳур нави бўлганики, бир донасидан бир пибла шарбат чиққан. Ёнғоқнинг, айниқса, галвир нави кўп бўлиб, мағзи кўриниб турган.

Тошкент ўзининг ажойиб манзараси ва гуллари билан ҳам ажралиб турган. Улар орасида, айниқса, Тошкент лоласи машҳурдир. Лоланинг бу нави сақланиб, ўн икки япроқли бўлиб, улар бир-бирига ўшмайдиган турли ранглар билан қопланган.

Тadbirkor

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Мамлакатимизда электр энергиясини фойдаланиш ҳажми йил сайин ортаб бормоқда. Бу эса мазкур соҳани янада такомиллаштириш, электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш сифатини оширишни тақозо этмоқда.

Миллий матбуот марказида "Ўзнергоинспекция" вакиллари иштирокида ўтган "Электр энергетика соҳасида давлат назоратини амалга ошириш ва тизимдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар" мавзусидаги матбуот анжуманида мутахассислар аниқ рақамлар асосида тизимда амалга оширилаётган ишларга тўхтади.

— Маъмурий регламента асосан, электр тармоғига уланмишга эҳтиёжи бўлган истеъмолчи 20 кВтдан юқори бўлган электр энергияси лойиҳасини инспекцияда

рўйхатдан ўқизиши керак, — деди "Ўзнергоинспекция" бошлиғи ўринбосари Акбархон Йўлдошев. — Мутахассислар лойиҳаларни чуқур ўрганиб, ўз хулосаларини бергач, барчаси техник нормаларга мос равишда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларига баённома тузилиб, электр тармоғига уланади. Ўзаро ҳамкорликда лойиҳанинг тўғри ишлаб чиқилиши келгусида бахтсиз ҳодисалар ва қимматбаҳо технологияларга шикаст етказилишининг олдини олади. Рақамларга мурожаат қила-

диган бўлсак, 2020 йилнинг ўтган даврида янги ишга туширилган 2 870 та объектнинг электр таъминоти лойиҳалари кўриб чиқилиб, йирик ва кичик қувватли 1 987 та истеъмолчи тармоққа уланди.


Тadbirkor таъкидланганидек, энергия самардорлигини ошириш ва тежамкорлиқни таъминлаш мақсадида жорий йилда инспекция томонидан 23 та йирик корхона ва юқори ташкилотлари мавжуд бўлмаган 431 та корхона билан ишлаб чиқилган 1 424 та тadbirkorни бажариш эвазига 244,2 млн. кВт.с (режага нисбатан 259,4 фоиз кўп) электр энергияси тежашга эришилди. Йилга умумий ҳажми 2 минг тоннадан ортқ шартли ёқилғи сарфлайдиган 13 та корхонада текширувлар ўтказиш бўйича муҳим дастурлар тасдиқланди.


Ваколатли идоралар билан келишилган ҳолда электрэнергетика соҳасидаги 24 та ташкилот ҳамда 16 та тadbirkorлик субъектида текширув ўтказилиб, уларда аниқланган жами 835 та қондабузарлик ҳолати бўйича ёзма кўрсатмалар берилди.

Инспекция энергетика соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш масаласига ҳам устувор вазифалардан бири сифатида қараб келяпти. Бу борада, айниқса, электр энергияси билан ишлайдиган инсонларнинг хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Сўнгги икки йилда тизимда олиб борилган ишловлар натижасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритиш, қайтадан ишлаб чиқиш ва ўз қу-

чини йўқотган деб топиш бўйича жами 38 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат кўриб чиқилди. 2 та қонунга ўзгариш киритиш юзасидан тақкирлар тайёрланди. Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 13 та қарорига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мазкур жараёнларда 15 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат тилига ўтирилиб, тасдиқланиши ҳам кўзда тутилган.

Соҳадаги янгиликлардан яна бири "energoWIKI" мобил иловасининг ишга туширилиши бўлди. Унда истеъмолчилар электр энергияси бўйича ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари мумкин. Илованинг маълумотлар базаси тизимли равишда такомиллаштириб борилади.





Адиблар хиёбонидаги ўйлар

“ЎЗБЕКИСТОНДАДИР ХОКИМ, ТУРОБИМ”

Адиблар хиёбонида мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг улуғ намояндalари каторида Александр Файнберннинг ҳам ҳайкали бор. Шоир ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган, ўзининг бетақрор асарларида элу юртимизни юксак бадиий маҳорат билан тараннум этган ноёб истеъдод соҳибларидан бири эди.

Ҳажми йўлдошев олган суратлар.



Рустам МУСУРМОН, Қорақалпоғистон халқ шоири

да, эҳ-хе, хонадонларига уруш ўт қўйган яна қанчадан қанча одамларнинг жонини сақлаб қолмади дейсиз. 1937 йилда бу ерга қўчиб келишган ва 1939 йилда мени дунёга келтиришган ота-онам ҳақида гапирмасам ҳам бўлади... Сашанинг болалиги Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келади. 1941 йилда у атиги 2 ёшда эди. Уша мусибатли йиллардаги машъум воқеалар Сашанинг юрагига чуқур жароҳат чандиқларини қолдиради. Унинг "1941", "1942 йилнинг кузи", "Тошкент. 1943", "Аргун" номли шеърларида мурғак юрак жароҳатидан силкиган қонни кўрасиз, инсон фарёдини эшитасиз.

Олти ойки, Лидя хола девона — Уғиллари ўлган она кутар хат. Янғичи эшикда бамисли калхат Эски буюмларга бўлар парвона.

Азоб-уқубат манзаралари, ўша пайтдаги халқнинг аҳоли, бешафқат очарчилиги тасвирланади. Шоир хатто хужумрон мафсуранинг таъйиқларини ҳам чўчима ҳақиқатни ёзади, яна улар тушунадиган рус тилида ёзади.

"Қарпат тоғлари" шеърда икки ака-ука синглисига ошиқ бўлган навиқрон йигитни ўлдирди, унинг жасадини аширичча ерга қўмишганини ёзади.

Шундай оғир даврда Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг матонати ва меҳрибонлигини тақрор-тақрор мадҳ этади. У пайтда ҳамма ўз жонини қутқазганини ўйлар, лекин одамгарчилиги баланд ўзбеклар бошига мусибат тушган миллатларни ўз бағрига олиб, бошини силлаганини шеърларида чексиз миннатдорлик туйғуси, қайноқ меҳр билан эътироф этади. Ўзининг еб турган нонини бошқалар билан баҳам кўрган, мададга муҳтожларнинг жонини сақлаб қолган миллатга боши ерга теккудек таъзим қилиб, раҳмат айтади.

Уруш даврида чироқ ёқиб, примусда иссиқ овқат тайёрлаш учун керосин топилмас, ҳамма ёниги фронтга жўнатилади эди. "Ўзбеклар шундай оғир вазиятда йўқдан бор қилиб, Раневскаяга керосин топиб беришди, Ахматовага хонадонни эшигини кенг очишди" каби ҳаётий фактларни бадиий тасвирлайди Файнберг.

Уруш даврида чироқ ёқиб, примусда иссиқ овқат тайёрлаш учун керосин топилмас, ҳамма ёниги фронтга жўнатилади эди. "Ўзбеклар шундай оғир вазиятда йўқдан бор қилиб, Раневскаяга керосин топиб беришди, Ахматовага хонадонни эшигини кенг очишди" каби ҳаётий фактларни бадиий тасвирлайди Файнберг.

Бошқани сийлайди ўзбек меҳрибон. Раневская йўқдан топган керосин. Ахматовага кенг очиб хонадон.

Ватан манзаралари тасвиридаги ташбеҳлар, чизгилар тиниқлиги билан эътиборни тортади. "Меж знойными квадратами полей", "пирамидалных топей" каби геометрик ифодалар шоирнинг гузаллигини кўриш ва ҳис этиш усулини кўрсатади. Шеърнинг ўзбек тилига таржимасида биз бу ўхшатишларни "тўртбурчак далалар", "гумбаздек тераклар" та кўрсатдик. Осмонда учаётган самолёт иллюминаторидан ерга қараганингизда далалар тўртбурчак-тўртбурчак бўлиб кўринади. Теракларни пирамидага ўхшатиш шоирнинг бетақрор тасаввур олами намойиш этади.

Кўшли, тўртбурчак далалардан то Тизма тоғларгача чўзилган Ватан — Йўлларнинг ғирдида бўлиб ғиритхон Гумбаздек тераклар турарлар қатор.

Шеър ҳаёл ва тасаввур маҳсули, лекин ўша ҳаёл ҳаётий бўлмаса, унга ҳеч қандай ишонмайди. Александр Файнберг ўсирилганда геодезия билим юртида таҳсил олган. Танобчи — ер ўлчовчи мута-

хассислигини эгаллаган. Касб тақозосига кўра, мамлакатимизнинг кенг саҳролари, юксак тоғларини ер ўлчаб, кезиб чиққан. Касби танобчи бўлгани билан қалби шоир эди. Кейинчалик у Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини таҳсил олади. Лекин чўлма-чўл, тоғма-тоғ кезганида кўрган гўзал манзаралар уни ўзига мафтун этади. Туйғулари шеърга айланади. Саросиё тоғларидаги илмий экспедиция сафарига ер ўлчовчиларнинг учта оти баланд қоялардан жарга кулаб нобуд бўлгани воқеаси таъсирида "Геодезия. Учта тулпор от" номли шеър ёзади. Отларнинг терисини масъул идорага топшириб, бу бахтсиз тасодиф ҳақида далолатнома тузишди. Ҳамма тақдирга тан бериб, бу воқеа унутмади. Лекин шоир изтиробга тушади. Ҳаёлида отларнинг тақалари юлдузлар ичра учқун сачратиби, дупуралиди. Қол-қора ёллари шамолда тундек тўзғийди. Отлар Сомон йўли кўригидан қириқ сари елиб учди, дейди. Ой — менинг юрагим тўлқинлари тезлигини ўлчовчи радар, учта тулпор от изидан менинг юрагим ҳам дулдуд отдек қанот чиқариб осмонга учиб бормоқда, дейди.

Ҳалқимизнинг тантилиги, меҳмондўстлиги, қишлоқлардаги одамлар уйлари ошиқларини ҳеч қачон қулфламаслиги, дастурхони эса доимо очик экани уни таъсирлантиради. Ўзбекка хос бўлган саховат, ишонч ва садоқат сингари инсоний туйғулар бутун жаҳонда ноёб ва ягонадир, бундай юртнинг олдида Европа ҳеч нимадир, дейди шоир. Ва шундай Ватани борлигидан фахрланади. Ўзини шу Ватанинг ажралмас бир парчаси, шундай буюк юртнинг бир кичик заррасиман, деб ҳисоблайди:

Мушфиқ юрт. Шу ерда наслу насабим — Ўзбекистондадир хоким, турубим. Ҳой, Европа! Сени танимайман ҳам. Ҳой, Европа! Сени танимайман ҳам"

сатри рус тилида аслиятида "Ау, Европа, я вас не знаю", деб ёзилган. Бу шоирнинг эътирофи. Менинг Ватаним Ўзбекистон, менинг илдимиз шу ерда, бошқа бирор юрт менга Ўзбекистондек меҳрибон, азиз ва қадрдон бўла олмайди, деган сўзларни дангал айтади Александр Файнберг.

У ўзбекна миллий кадриятлар руҳида ўсиб улғаиди, шахс ва шоир сифатида шаклланишида ўзбек маданияти, ўзбек адабиёти катта таъсир кўрсатади. Бир мақолада бундай ёзади: "Пешонамга битилган бахтим бор экан. Мен Мушфиқ Ўзбекистонда яшайман... Адабиёт йўлида менга ўзбек ёзувчилари жуда кўп бора ёрдам беришди. Бутун ижодим давомида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва яна кўндан кўп ёзувчилар, рассомлар, мусиқачилар, бошқа турли касб эгаларининг яхшиликларидан баҳраманд бўлиб келмоқдаман. Яхшилик ва бахт ҳаммаша ёнимизда".

Шарқона шеърят фалсафаси, санъати, оҳанги унинг бадиий сўз ҳақидаги тасаввурларини ўзгартириб юборади. Арузнинг оханрабоши, "Шашмақом" унинг бир хайратига юз хайрат қўшади. Назм мулкнинг султони Алишер Навоий галлаларини рус тилига таржима қилади. Байтларнинг сеҳру жозибаси уйғотган ҳис-туйғулар, сезиларли шеърга солади:

Назм — наво, назм — илтижо, Шарқни тинлаб наъша олурсан. Чўзилади карвондек ҳижо, Чилим каби тутаб ёнурсан.

Ҳикматли рубойлар таъсирида "Рубойят торлари" номли дoston ёзади.

Шарқ оламнинг яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тасаввурлари ҳамоҳанг тароналарни қўйлайди. Гулнинг ўзи ҳам, сурати ҳам — гул. Гўзаллик ҳеч қачон ёвузликка хизмат қилмаслиги керак. Нақошлик санъати воситасида ўз фикрларини бадиий баён этади:

Ўтқир тигга нақи ўйма, уста, Соуқ тиг дўст эмас кишига — Нақини бўлар қимнингидир қони, Сачрагандек йиртқич тишига.

Ёвуз одамнинг қўлидаги пичоқни йиртқич хайвоннинг тишига ўхшатади. Темирчи устага пичоққа нақи ўйма, дея илтижо қилади. Сенинг яхши ниятинг, эзгу амалларинг одамларга бахту саодат улашин, дейди:

Янги уйнинг дарвозасига Гулдор нақи ўйганинг яхши — Остонадан гам-қулфат эмас, Бахтнинг қадам қўйгани яхши.

Бизнинг миллий кадриятларимиз дунёдаги энг юксак умуминсоний кадриятларнинг гултоғидир. Яхшилик, олижаноблик, тўғрилик, мардлик, меҳр-саховат жаҳондаги ҳамма халқлар учун қадрли. Шоир бетақрор ва худбин одамларнинг юзига шеърини кўзгу тутайди:

Кўрагингда жомдек ичи бўш юрак, Тили йўқ кўнгирак каби чалмас занг.

Матонат, мустаҳкам ирода эгаси бўлишга, орзулар сари олға интилишга даъват этади. Шеър оҳангига эътибор берсангиз, сатрлар тоғдаги шалопадек тезоёб ва шарқираб оқади:

Ова чиқсан, ўқ ота, Бахт бўлмай уч бор ато. Бир ўқ — хато, икки ўқ — хато, Учқинчи ўқ — бехато...

"Она шахрим — Тошкентим" эссе-сида ёзади: "Менинг ўлимимни арши аёлодаги девонхона қандай ҳал қилса, ўзи билади. Ҳозирча эса, Худого шукур, ариқлар бўйидаги чархалаклар филдирганининг гичиращини, осмонда учаётган самолётлар товушини эшитиб турибман. Тошкентлик болақайларнинг омонлигидан, қизалоқларнинг шодмонлигидан хурсандман. Улар биздан ҳам зўр бўлишини, биздан ҳам зўр яшашини Худодан сўрайман".

Александр Файнберг таваллудининг 70 йиллигига икки ҳафта қолганида вафот этади. Она Тошкент тупроғи уни ўз бағрига олди. Шоирдан бой адабий мерос, Ватан, олам ва одам ҳақидаги дилрабо шеърлар қолди. Умумхалқ байрамлари ва сайилларда унинг шеърлари қўшиқ бўлиб янграмоқда. Унинг сўзи, руҳи биз билан бирга яшамоқда.

Адиблар хиёбонида Александр Файнберг ҳайкалига боқимиз. Шундоқина кулоқларимиз остида унинг сўзлари жанранглайди:

Хув ана, Тошкент осмонига боқинг. Балки... юксакда шох ташлаб учаётган варағимни кўриб қоларсиз..."

Давлатимиз ривобини тақлифига биноан, Адиблар хиёбонида ҳайкали ўрнатилган ҳар бир ёзувчининг ҳаёти ва ижодини олий ўқув юртлири ўқиб ўрганмоқда, тарғиб этмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини Александр Файнберг ижоди учун масъул этиб белгилади. Шу кунларда "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида шоирнинг икки жилдлик асарлар тўплами нашр этилди. Демак, шоир ижодини ўрганиш давом этади.

Вебинар

“КЕЛИНЛАР ҚЎЗГОЛОНИ”

турк тилида қайта нашр этилади

Мамлакатимизнинг Анкарадаги элчихонаси Нукус давлат педагогика институтини билан ҳамкорликда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан вебинар ташкил қилди.

Онлайн анжуманда Анкара университетининг туркий тилининг замонавий диалектлари кафедраси мудири, профессор Айнур Ўз Ўзжон, профессор Туркан Ялчнқоя ва университет талабалари қатнашди.

Тадбирда Т.Ялчнқоя "Саид Аҳмад ижодининг Туркияда ўрганилиши", А.Ўзжон эса "Саид Аҳмад асарларининг турк тилига таржима қилиниши" мавзусларида маъруза қилди.

Вебинарда ўзбек тилининг кенг имкониятлари, сўз бойлиги, жозибadorлиги, унинг халқчил жиҳатлари эътироф этилди.

Маърузачилар атоқли ўзбек адаби Саид Аҳмад халқнинг дипломати гапни топиб, халқ дидига мослаб айта олганини эътироф этиди. Ёзувчининг асарият асарлари китобхоналар қалбидан жой олган, бу орқали муаллиф ўқувчининг маънавий камолотини тарбиялашга катта ҳисса қўшгани таъкидланди.

Туркиялик олимлар Саид Аҳмад драматургиясига ҳам алоҳида аҳамият қаратди. Хусусан, унинг "Келинлар қўзғолони" ҳажвий сахна асари Туркияда машҳур экани қайд этилди.

"Келинлар қўзғолони" бундан 30 йил

аввал Айнур Ўз Ўзжон томонидан турк тилига таржима қилинган.

— Уша пайтда мазкур комедия жанридаги асар Туркияда катта қизиқиш билан қабул қилинган эди, — деди у. — Саид Аҳмаднинг "Келинлар қўзғолони" асарини турк китобхоналари севиб мутлола қилади. Комедия жанридаги асарда ёзувчи томонидан қаламга олинган мавзу халққа яқинлиги билан кишини ўзига тортади. Унинг тили ҳам жуда самимий. Таржима жараёнида мен катта завқ-шавқни туйганман. Ўзим учун ўзбек тилининг кенг имкониятларини кашф этганман.

Онлайн тадбирда Туркан Ялчнқоя ҳам Саид Аҳмад ижодининг Туркиядаги илхосмандлари ҳақида тўхталиб, адибнинг асарларига эҳтиёж ва талаб юқори эканини таъкидлади.

— Шу кунларда Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ томонидан Саид Аҳмад ижодий меросини ўрганишга йўналтирилган махсус лойиҳа амалга оширилмоқда, — деди у. — Лойиҳа доирасида ўзбек адибининг "Келинлар қўзғолони" асарининг турк тилига таржимасини қайта чоп этиш кўзда тутилган. Ушбу сўй-ҳаракатлар Саид Аҳмад ижодининг Туркияда янада оммалашшига хизмат қилади.

Анжуман якунида Ўзбекистон ва Туркия адабиётшунослари иштирокида икки халқ маънавий-маърифий аъёнларини яқинлаштиришга хизмат қиладиган бундай конференцияларни мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

"Дунё" АА, Анкара

Онлайн-конференция

Миллий маънавият ва маданиятга путур етмасин

Нодир МАХМУДОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Ўзбекистон халқаро ислом академияси томонидан "Интернет орқали радикаллашув: муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзусида онлайн республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Бугун ахборот технологияларининг жадал суръатларида ривожланиб бориши шариоатда виртуал олам орқали келаётган хавф-хатарлар тобора ортки бораётгани сир эмас. Шу боис, онлайн конференция иштирокчилари мазкур йўналишда ишларни тўғри ташкил қилиш, ёшларни ёт гоълар таъсиридан самарали ҳимоялаш, эришилмаётган ютуқлар ортидаги кўзга кўринмас таҳдидлар ва уларнинг оқибатлари каби мавзуларга эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Х.Ишматбеков, Дин ишлари бўйича қўмита етакчи мутахассислари Ш.Жўраев, Ж.Алиев, Тошкент ислом институти ректори У.Ғофуров ва бошқаларнинг чиқишлари "Жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ — замон талаби", "Ижтимоий тармоқларда экстремистик гуруҳлар орасида кузатилаётган ўзаро тортишув ва мунозаралар хусусида", "Экспертизага тақдим этилаётган материалларнинг мавзуй таҳлили (радикал контентлар классификацияси)", "Ешларни ёт гоълардан асрашда ахборот истеъмоли маданияти" каби масалалар муҳокамасига қаратилди.

Таъкидланганидек, радикал сўзи лотинча "radix", яъни илдиз сўзидан олинган бўлиб, қатий ва кескин чоралар, ҳаракатлар, дастурлар тарафдори, деган маъноларни англатади. Радикализм мавжуд давлат тузумини танқид остига олиб, радикал ўзгаришлар ва ислохотлар ўтказишни талаб этувчи сиёсий йўналишидир.

— Бундай йўналиш тарафдорлари ўз олдида қўйган гаразли мақсади йўлида ҳеч нарсадан тап тормайди, — дейди фалсафа фанлари доктори, профессор Б.Тўраев. — Ер юзидида мавжуд давлатларнинг тинчлиги, давлат сифатидидаги мақоми, миллий кадрияти, тили, дини, асрий аъёнларнинг издан чиқishi, емирилиши учун ёвуз ҳаракатини олиб боради. Бунинг натижасида бутун бир халқнинг миллий маънавияти ва маданиятига дарз кетади.

Ҳозирги пайтда ер юзидида барча давлатлар олдида турган энг муҳим масалалардан бири ҳам радикаллашув муаммосининг олдини олишдир. Ҳаттоки халқаро ташкилотлар томонидан йил давомида ўтказилаётган тадбирларнинг асариятида ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Турли номлар остида ўзининг гаразли мақсадини, терроризм ва экстремизмини кўзлаган радикал оқим вакиллари бугун ахборот технологиялари ривожланган бир даврда интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ўз саҳифаларини очиб, ноқонуний фаолият юритмоқда, — дейди Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти М.Абдуллаева. — Уларнинг асарияти дунёнинг бир чеккасида туриб, тинч-тотув яшаётган халқларнинг фаровонлигига таҳдид солишдир. Айниқса, ёвуз ниётларини амалга оширишда интернет ҳамда ижтимоий тармоқлар қармоқ ваэифасини ўтамоқда.

"Интернет орқали радикаллашув: муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзусида ўтказилган анжуманда ҳам бу каби масалалар атрафлича муҳокама қилинди. Олимлар, турли соҳа вакиллари радикаллашувини олдини олиш, ахлоқда, айниқса, ёшларда соғлом фикр ва мустаҳкам эътиқод шаклланишида миллий аъёнлар, аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий-маънавий мероси ечим бўлиши, пировардида бундай муаммоларни бартараф қилишга эришиш мумкинлиги ҳақидаги гапирдилар.